

ОЙГУЛ ШАРИПОВА

**НАҚШБАНДИЯ
ТАРИҚАТИ АСОСЛАРИ
(МАХСУС КУРС)**



**БУХОРО,
2020**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ТАРИХ ВА МАДАНИЙ МЕРОС ФАКУЛЬТЕТИ

ОЙГУЛ ШАРИПОВА

НАҚШБАНДИЯ ТАРИҚАТИ АСОСЛАРИ

(МАХСУС КУРС)

БУХОРО,
2020

Нақшбандия тариқати асослари (маърузалар матни). Тўплаб
нашрга тайёрловчи, мақола, изоҳ ва шарҳлар муаллифи
О.Т.Шарипова.

Масъул муҳаррир: Гулчехра Наврӯзова
Фалсафа фанлари доктори, профессор

Таъризчилар: Бобир Намозов
Фалсафа фанлари номзоди, доцент

Бобир Қаримов
Фалсафа фанлари номзоди, доцент

Холида Раҳматова
Фалсафа фанлари номзоди, доцент

Абдуҳолиқ Гиждувонийнинг 915 ва Баҳоуддин Нақшбанд
таваллудининг 700 йиллигига тухва

Ушбу ўқув қўлланма "Ислоом тарихи ва манбашунослиги" таълим
йўналиши талабаларининг "Нақшбандия тариқати асослари" номли
22 соат маъруза ва 22 соатлик амалий дарс машғулотлари учун
тайёрланган бўлиб, Ислоом ҳамкорлик ташкилотининг Таълим, Фан ва
маданият масалалари бўйича ташкилоти – ISECO томонидан Бухоро
шаҳрининг 2020 йилда "Ислоом маданияти пойтахти" деб эълон
қилинганлигига бағишланади.

Buxoro Davlat universiteti o'quv-metodik kengashi tomonidan nashrga
tavsiya etilgan (2020-yil 27-maydagi 7-son yig'ilish bayonnomasi)

КИРИШ

Мухтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев кунни кеча Олий
Мажлиста қилган мурожаатномаларида 2020 йилни "Илм-фан ва рақамли
иқтисодиётни ривожлантириш йили" деб номладилар. Бу жорий йилда
илм-фанни янада тараққий эттиришга бериладиган эътибор
нишонасидир. Барча даврларда ҳам илмли инсонлар инсоният
раҳнаомлари ҳисобланган.

Улкан тарбиявий-маърифий, инсонпарварлик моҳиятига эга бўлган
улуғ кишилар таълимотини ўрганиш, ўз миллий маънавиятини
ривожлантираётган Ўзбекистонимиз халқи олдида турган доимий
вазифалардан ҳисобланади.

Мамлакатимизда маърифий ислонни ривожлантириш, буюк
алломалар қадамжоларини оёбод қилишга қаратилган эътибор халқаро
миқёсда тан олинмоқда. Хусусан Ислоом ҳамкорлик ташкилотининг
Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти – ISECO
томонидан Бухоро шаҳри 2020 йилда Ислоом маданияти пойтахти, деб
эълон қилинди.

Мухтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев жойларда ижтимоий
– иқтисодий ислохотларнинг бориши, амалга оширилаётган бунёдкорлик
ишлари ва йирик лойиҳалар билан танишиш, халқ билан мулоқот қилиш
мақсадида Бухорои Шарифга ташрифлари чоғида Абдуҳолиқ
Гиждувоний, Баҳоуддин Нақшбанд, Ориф Ревғарий, Али Ромитаний,
Бобойи Самосий, Маҳмуд Фағнавий, Сайид Амир Кулол меъморий
мажмуаларини ўз ичига олган "Етти пир" зиёратгоҳини замон талаблари
даражасида реконструкция қилиш ва уларни боғловчи янги сайёҳлик
йўналиши ташкил этиш бўйича кўрсатмалар берган эдилар.

Шунга мувофиқ, "Етти пир" зиёратгоҳларида кенг қўлмал
бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Бу масканларни обод қилиш
билан бирга "Етти пир" ҳақида китоб яратиш, уларнинг илмий меросини
тарғиб этиш зарурлиги таъкидланди.

"Бундай маънавий хазина бошқа ҳеч қаерда йўқ. Бу хазинани
мукаммал ўрганиш, одамларга, ёшларга осон тилда етказиш керак.
Мақсадимиз ёшларимиз ўзимизнинг алломаларга эртасин, меросини
билсин, улар билан фахрлансин!" деди Президентимиз.